
**Куни кече Бешарик туманиндағи Халқ қабулхонасида туман ҳокими
Расулжон Жўраевнинг навбатдаги қабули ўтказилди.**

Қабулда туманимизнинг турли ҳудудларидан келган 42 нафар фуқаронинг уй-жой таъминоти, иш билан таъминлаш, даволаниш учун моддий ёрдам, тадбиркорлик ва дәхқончилик қилиш учун ер майдони ажратиш каби қатор масалалар юзасидан мурожаатлари тингланди.

Ҳар бир мурожаат соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқур ўрганилди, муаммоли масалаларнинг бир қисми жойида ҳал қилинди, ечими муяйян муддат талаб қиласиган аризалар ижроси қатъий назоратга олинди.

Жумладан, фуқаро А.Маъмуронинг мурожаати шу жойнинг ўзида ўрганилиб, онаси учун дори дармонлар етказилди, фарзандлариға эса мактаб формалари етказиб бериладиган бўлди.

2023-08-21 09:20:45